

## ГИПЕРАКТИВ БОЛАЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ПСИХОЛОГНИНГ РОЛИ.

Ергашева Шоҳзода Улугбековна

Мирзо Улугбек Номидаги Ўзбекистон Миллий Университети Жиззах  
Филиали

**Аннотатся:** Гиперактив болалар билан машғулотларни ташкил қилишда психология махсус ишлаб чиқилган коррекцион-ривожлантирувчи дастурни қўллаши мумкин. Гиперактив болаларга ёрдам беришда уларнинг ота-оналари ва ўқитувчилари билан иш олиб бориш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

**Калит сўзлар:** Чапақайлик,моционал таъсирчанлик, аразчилик, асабийлик,хавотирчанлик.

Катталарга боланинг муаммоларини тушунтириш зарур, унинг қилиқлари атайлаб қилинмаслигини англашиб, уларнинг ёрдам ва қўллаб-қувватлашисиз бундай бола ўзидағи бор қийинчиликларни енгиб ўта олмаслигини кўрсата олиш керак.

Психолог гиперактив болаларнинг ота-оналарига тарбиявий таъсир этишнинг аниқ үсуllibарига амал қилишларини тушунтириши керак. Улар шуни эсда тутишлари лозимки, болани ҳолатининг яхшиланиши «унга бўлган мулойим, хотиржам ва изчил муносабатга боғлиқдир».

Бундай болаларни тарбиялашда ота-она иккита кескинликка йўл қўймасликлари керак: ҳаддан зиёд раҳм - шафқат кўрсатиш ва бир томонидан эса унинг олдига у бажара олмайдиган ортиқча аниқлик, шафқатсизлик ва жазолар билан уйғунашган катта талабларни қўймаслик.

Психолог олимлардан М. Роттернинг кўрсатишича, бундай болалар мактабга чиққач жиiddий қийинчиликларга дуч келадилар. Чунки ўқиш фаолияти дикқат функцияси ривожланишига юқори талабларни қўяди. Шунинг учун ҳам ДЕГС болалар мактаб талабларини бажара олмайдилар.

Қоида бўйича ўсмирлик ёшида бундай болаларда дикқатнинг нуқсонлари сақланиб қолади, лекин гиперактивлик йўқолади ва кўпинча фаолликнинг сусайиши, психик фаолиятнинг инертилиги ва истакнинг этишмаслиги билан алмашади.

Мактаб таълимидаги муаммолардан яна бири ва паст ўзлаштиришга сабаб бўлувчи омил бу чапақайликдир. Чапақайлик тарбиячилар, ота-оналар ва боланинг ўзи учун ҳам катта муаммо

ҳисобланади. Барчага яхши маълумки, чап қўлнинг ўнг қўлдан устунлиги туғма хусусиятга эгадир.

Яқин вақтгача чапақай болаларнинг психик хусусияти тараққиёти улар миясининг ривожланашидан алоҳида ҳолатда кўрилган. Бироқ, мия ва психика аъзо ва унинг функцияси сифатида ўзаро боғлангандир.

Чапақайлик – боланинг зарурий индивидуал хусусияти бўлиб, уни таълим жараёнида ҳисобга олиш шарт. Ўқув таълим жараёнини аънанавий равишда вербал ва мантиқий тафаккур тараққиётига, чап мия ярим шарлари ривожланишига асосланади. Бундай ҳолат эса чапақай болаларнинг таълим жараёнига муваффақиятли мослашувини қийинлаштиради.

Чап ёки ўнг қўлнинг устунлик қилиши боланинг истаги ёки эркалиги эмас, балки миянинг ўнг ва чап ярим шарлари ўртасида вазифаларнинг ўзига ҳос тақсимланишидир. Нима учун чап қўл устунлиги келиб чиқади? Ниманинг оқибатида чапақайлик пайдо бўлади?

Биз одатда мия ҳақида бир бутун аъзо каби фикр юритамиз, лекин унинг бирлиги иккала мия ярим шарларининг фаолиятидан ташкил топади. Уларнинг ўртасида қатъий фарқ бўлиб, миянинг функционал муносабатларида иккала ярим шарларнинг улуши бир хил эмас. Бундан ташқари улардан бири устунлик қиласи.

Намоён бўлиш характеристига кўра функционал ассиметриянинг учта турини ажратиш мумкин: мотор (умумий ҳаракат хулқ - атвори шаклланишида тананинг чап ва ўнг қисми қўл, оёқ ва юзнинг нотекис иштироки). Сенсор (жуфт сезги органларининг функционал нотекислиги ва психик нутқнинг ташкил топиши ва бошқа олий психик жараёнлар).

Тахминан 70 % чапақай болаларнинг нутқ марказлари чап мия ярим шарларида, 30 % да эса ўнг мия ярим шарларида жойлашгандир.

Қўл – одам ҳаракат фаолигининг ярим функционал аъзосидир. Шунинг учун ҳам қўлнинг имо-ишора аъзоси сифатида ривожланиши чап қўлнинг нутқ марказини ташкил топишида етакчилигидан далолат беради.

Қўл асимметрияси тушунчаси кўп бўлиб, улардан кенг тарқалганлари: ўнг қўллик, чапақайлик ва амбидекстрия (икки қўллик). Чапақайликни намоён бўлиши асосидаги омилларни кўрсатар эканлар, олимлар патологик, ирсий, ва мажбурий чапақайликни

ажратадилар. Бироқ күпчилик олимлар чапақайликтин “табиий” ирсий эканлигини таъкидлайдилар.

Иккала мия ярим шарлари ҳам сўзларни, образларни идрок қилишга ва қайта ишлашга қодир, бироқ бу жараён уларда турлича кечади. Чап мия ярим шари. Вербал, мантиқий, “фикрий” (мушоҳада). Миядан келаётган ахборотларни кетма-кет, таҳлилий равишда қайта ишлайди. Вазифаларни ечишда унга индукция тамойилига мувофиқ таҳлилий ёндашув хос (хусусийдан умумийга).

Ўнг мия ярим шари. Новербал, образли, кўрув. Сигналларни бир вақтда ва бутун ҳолда қайта ишлайди. Объектларни бир нечта фикрий текисликда кўриш имконини беради. Унга дедукция тамойилига мувофиқ синтез хосдир (умумийдан хусусийга).

Қоидага мувофиқ, ўнг қўли етакчилик қилувчиларда вербал маълумотларни қайта ишлашга ихтисослашган чап мия ярим шарлари устунлик қиласди. Уларнинг 95 % да нутқ маркази чап мия ярим шарларида жойлашган.

Чапақайларнинг мия функцияси латерализациясининг ўзига хослиги уларнинг билиш жараёнларига таъсир қиласди, уларга қўйидагилар тааллуқли: маълумотларни таҳлил қилиш усули, материални қисмларга бўлиб ишлаш; новербалъ стимулларга нисбатан вербалларини яхшироқ англаш; кўрув- фазовий топшириқларни бажариш имкониятининг пастлиги (Безрукых М.М., Князева М.Г., 1994; Микадзе Ю.В., Корсакова Н.К., 1994).

Яқин кунларгача чапақай болаларни ўнг қўлда ёзишга ўргатиш мажбурий равишда амалга оширилган. Бироқ, ҳозирги кунда ҳам бундай ҳолатлар учрамоқда. Айниқса ота-оналарнинг чапақай фарзандларини таълим жараёнида ўнг қўлинин ишлатишга мажбур қилишлари ва ўқитувчиларни ҳам бунга ундашлари болаларнинг психик саломатлигига жиҳдий муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Кўплаб маълумотларга кўра, невротик ҳолатлар ва неврозлар ўнг қўл устунлик қилувчи болаларга нисбатан чапақайларда кўпроқ учрамоқда. Чунки, чапақай болаларни мажбурлаб (турли хил жазо чораларини қўллаш орқали) ўнг қўлга ўргатиш невроз ривожланишининг сабабидир.

Ўнг қўлга қайта ўргатиш латерализациянинг табиий пайдо бўлган индивидуал йўналишини синишига олиб келади, бу эса кучли стрессоген омил бўлиб чиқади.

Шундай қилиб, чапақай болаларни ўнг қўлга ўтказиш умуман йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолатдир. Чапақай болаларнинг фаолиятида билиш жараёнлари соҳасида қуйидагилар намоён бўлиши мумкин:

Кўрув-ҳаракат координацияси қобилияти пастлиги: болалар график тасвиrlарни кўчириб чизиш билан боғлиқ топшириқни айниқса кетма-кетлиқда бажаришда қийналадилар; ёзувда, ўқишда қаторни ушлаб тура олмайдилар; ёзувлари ёмон.

Фазовий идрок ва кўрув хотирасидаги ётишмовчиликлар, фазовий мувофиқликни таҳлил қилишдаги қийинчиликлар: чапақайларда кўпинча график тасвиrlашда шаклларнинг шакли ва пропорциясининг бузилиши кўринади; ёзув ойнавандлиги; ёзувда ҳарфларни тушириб қолдириш ва ўрнини алмаштириш; оптик хатолар, шаклига кўра ўхшаш ҳарфларни чалкаштириш.

Маълумотларни қайта ишлашнинг ўзгача стратегияси, англашнинг таҳлилий услуби: чапақайларга материални қисмларга бўлиб ишлаш хос бўлиб, бундай таҳлил натижасида фаолият обьекти ҳақида бутун тасаввур ҳосил бўлади. Бу билан чапақайларнинг сускаштилиги ифодаланади, тўлиқ идрок ва тушиниш учун уларга материални босқичма- босқич узоқ қайта ишлаш зарур бўлади.

Дикқатнинг заифлиги, дикқатни кўчириш ва тўплашдаги қийинчиликлар.

Нутқий бузилишлар: ҳарфларни таҳлил қилишдаги хатолар.

Кўрсатиб ўтилган ўзига хосликлар бевосита ўқув малакаларини эгаллашдаги самарадорликка таъсир қилади. Чапақай болаларнинг яна бир ўзига хосликлари, бу уларнинг эмоционал таъсирчанлиги, хавотирчанлиги, аразчилиги, асабийлиги, шунингдек, ишчанлик қобилиятининг пастлиги ва тез чарчашдир.

Бу нафақат мия ярим шарлари ассиметрияси оқибати, балки уларни ўнг қўлга ўтишга мажбурлаш натижаси ҳамdir. Бундан ташқари, 20 % чапақай болалар анамнезида ҳомиладорлик ва туғруқда қийинчиликлар қайд этилади (баъзи маълумотларга кўра туғруқдаги жароҳат чапақайлик сабабларидан бири бўлиши мумкин, чунки, жароҳатланган чап мия ярим шарларининг функциясини бажаришни ўнг мия ярим шарлари ўз зиммасига олади).

Чапақай болаларнинг эмоционал таъсирчанлиги мактабга мослашишни қийинлаштирувчи омилдир. Уни мактаб ҳаётига кириши бошқаларга нисбатан секинроқ ва оғриқлироқ кечади. Шунинг учун ҳам чапақай болалар доимо ўқитувчи, психолог ва ота-оналарнинг алоҳида эътиборида бўлиши керак.

Шундай қилиб, чапақай болалар мактабда күпгина муаммоларга дүч келишлари мүмкін. Айниқса, мактабгача бўлган даврда ва кичик мактаб ёшида уларнинг тўлақонли психих тараққиётига етарлича зарурий эътибор қаратилмаса, ўқув фаолиятини эгаллашда жиддий муаммоларга олиб келади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

- 1 Богословские размышления о благодати божией и о воле человеческой. — СПб., 1786. — 140 с.
- 2 Ансельм Кентерберийский // Энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрана : в 86 т. (82 т. и 4 доп.). — СПб., 1890—1907.
- 3 Тураев Б. А. Шпигельберг, Вильгельм // Энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрана : в 86 т. (82 т. и 4 доп.). — СПб., 1890—1907
- 4 Новая философская энциклопедия. В четырех томах. / Ин-т философии РАН. Научно-ред. совет: В.С. Степин, А.А. Гусейнов, Г.Ю. Семигин. М., Мысль, 2010, т. III, Н – С, с. 467.
- 5 Перевод В. Л. Иванова // «ЕINAL: Проблемы философии и теологии» № 1 (001), СПб, 2012.
- 6 Оккам У. Семь избранных диспутов. // Антология средневековой мысли в 2х тт. (т.2) Хрестоматия. Учебнонаучное издание под ред. С. С. Неретиной, Л. В. Бурлаки. Изд-во РХГИ, СПб, 2001-2
- 7 1931 The concept of the reflex in the description of behavior. Journal of General Psychology, 5, 427—458
- 8 Эллис А., Драйден У. Практика рационально-эмоциональной поведенческой терапии. — СПб.: Речь, 2002. — 352 стр.